**19-модда. «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».**

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси амал қилмоқда*

## ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР СОҲИБИ




Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясини қабул қилар экан, унинг муқаддимасидаёқ Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига содиқ қолиш, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатни намоён қилиш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашни мақсад қилиб олиш каби масъулиятларни зиммасига олганлигини эътироф этади. Конституцияга кўра, Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. «Янги конституциямизнинг энг муҳим моҳияти шундан иборатки, — деб таъкидлайди юртбошимиз, — унда давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, дейилган, яъни фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган». Фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади. Конституцияда мустаҳкамланган ушбу меъёрлар давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларнинг асосини белгилаб беради.

Конституциянинг 19-моддасида эса республикамиз фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар, — деб алоҳида таъкидланган. Зеро, Ўзбекистон фуқароси деган номга эга бўлишнинг ўзиёқ фуқаронинг давлат билан сиёсий ва ҳуқуқий алоқасини келтириб чиқаради. Фуқаролик — шахснинг муайян давлат билан барқарор, доимий ҳуқуқий алоқасидир. Ўзбекистонда ягона фуқаролик барқарор этилган. Бу шуни англатадики, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Конституция ва бошқа қонунларда белгиланган, ҳамма фуқаролар учун ягона барча ҳуқуқларга эга бўлади ва бурчларни бажаради. Фуқаро — бу давлатда яшовчи, муайян ҳуқуқий ҳолатга, ҳуқуққа ва бурчга эга бўлган давлатга ва ҳуқуқга муайян муносабатда бўлувчи киши. У давлат ҳимоясидан фойдаланади ва давлат томонидан зиммасига юкланадиган маълум бурчларни бажаради. Конституция Ўзбекистон фуқаросининг фақат энг асосий ҳуқуқлари ва бурчларини белгилайди. Асосий ҳуқуқлар ва бурчлар давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Чунки фуқаронинг давлат идоралари, меҳнат жамоалари билан ўзаро иш олиб бориши натижасида шу муносабатлар юзага келади. Фуқаролик тушунчаси давлатни бошқаришда фаол қатнашувчи инсон деган таълимотдан келиб чиққанлиги ҳам бежиз эмас.

Бизда фуқаро билан давлат ўртасида қарама-қаршиликлар тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки конституция ва унинг асосида қабул қилинган бошқа қонунлар шахснинг ҳар томонлама ривожланиш ва камолотга эришиш имкониятларини яратади.

Конституцияга биноан, давлат фуқароларга шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг ҳуқуқ ва эркинликлар беради ҳамда уларнинг амалга оширилишини кафолатлайди. Шу билан бирга 19-моддада кўрсатилганидек, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Масалан, 44-моддага биноан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат фуқароларга ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга уларнинг зиммасига маълум масъулиятларни ҳам юклайди. Фуқаролар конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга ҳамда Конституцияда кўзда тутилган бошқа бурчларни оғишмай бажаришга мажбурдирлар.

Шу нарсани унутмаслик кераки, фуқароларга берилган кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлардан улар давлат ва жамиятнинг ҳамда бошқа кишиларнинг қонуний манфаатларини чеклаш, обрў-эътиборини тушириш, уларга путур етказиш ва шунга ўхшаш мақсадларда фойдаланмасликлари лозим. Шахсга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мулкига, табиий муҳитга, жамоат ва давлат манфаатларига ҳамда бутун ҳуқуқ-тартиботга жиноий тажовуз қилиш, шунингдек инсониятнинг тинчлигини ва хавфсизлигини бузиш жиноят қонунлари билан жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Бундай ҳолларда Конституцияда кўрсатилганидек, суд қарори билан фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланиши ёки улардан маҳрум этилиши мумкин. Жиноят Кодексининг махсус қисми — VII боби фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар учун жавобгарликларни белгилайди ва айбдор кишилар суднинг қарори, аниқроғи, ҳукми билан маълум ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум этилиши ёки чеклаб қўйилиши мумкин. Лекин суднинг қарорисиз бундай қилишга бошқа ҳеч ким ҳақли эмас.

Шундай қилиб, Ўзбекистон фуқароларининг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла ва амалда мавжуд. Уларнинг амалга оширилиши қуйидаги воситалар билан таъминланади.

Биринчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари моддий, сиёсий, маънавий ва юридик жиҳатдан кафолатланган.

Иккинчидан, бу кафолатлар жамиятимиз моддий-техника базасининг ривожланиши, маданиятининг ўсиши ва халқимиз онглилигининг ошиб бориши билан кенгайиб ва чуқурлашиб бораверади.

Бизнинг асосий вазифамиз Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва бурчларимизни тўғри англаб, улардан оқилона фойдаланиш, жамиятимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
*Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.*

*Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг 50 йиллигига*

## ШОНЛИ ЙЎЛ

***Институт ректори, профессор Тошпўлат ТУРСУНОВ билан суҳбат***



**— Тошпўлат Турсунович! Сиз санъат институтининг собиқ талабаси, ҳозирда ректорисиз. Шу институт даргоҳида фан доктори, профессор даражасига етдингиз. Демоқчиманки, институтнинг қарийб 45 йиллик ҳаётидан хабардорсиз. Маълумки, институт Марказий Осиё миқёсида ягона театр таълими берадиган олий илм маскани сифатида ташкил топган. Айтингчи, институт шу минтақа маданий ҳаётида қандай мавқе тутиб келди?**

— Аввало шуни айтиш лозимки, институтимиз Марказий Осиё республикалари учун мўлжалланган бўлса-да, ўз фаолиятининг кўламдорлиги билан собиқ иттифоқ доирасига кирган кўпгина республикаларга ҳам хизмат қилди. Чунончи, миллий курслар орасида ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман курсларидан ташқари, рус, грек, корейс сингари актёрлик курслари ҳам бор эди. Ҳозир ҳам рус ва корейс курслари мавжуд. Режиссёрлик, театршунослик, рассомлик соҳасида касбларнинг ўзига хослиги туфайли миллий чегаралашга ҳожат қолмади. Шу боис бизнинг институтни битирган актёр, режиссёр, рассом, ҳайкалтарош, қўйингчи, тасвирий санъатнинг турли соҳаларига оид мутахассислар нафақат собиқ Иттифоқ ҳудудида, балки Америка, Англия, Швейцария, Исроил сингари хорижий давлатларда ҳам талайгина учрайди.

Энди Марказий Осиё ҳудудига келсак, шуни таъкидлаш ўринлики, ҳозирги кунда биргина Қирғизистонда институтнинг актёрлик, режиссёрлик, театршунослик, рассомлик бўлимларини тугатган, 180 нафар мутахассис театр, кино, телевидение, радио соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири халқ артисти, 14 таси Қирғизистон халқ артисти, 20 таси Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист, 12 нафари Қирғизистонда хизмат кўрсатган санъат арбобларидир. Шу сингари рақам ва номдор санъаткорлар сафи Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон республикаларига ҳам хосдир. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш жоизки, хусусан Россияда институтни битирган режиссёр, актёрлар ҳам кўп. Улар орасида халқ артисти Л. Броневой, Россия халқ артистлари В. Рецептер, И. Ледогоров сингари театр ва кино юлдузларини учратиш мумкин.

**— Ўзбекистон ўз йўли, порлоқ келажагига эга мустақил давлат сифатида бўлгач, институтда қандай ўзгаришлар юз берди?**

— Истиқлол бизга энди ўз йўлимизни ўзимиз белгилаш имконини берди. Тўғри, ўтмишда самарали тажрибалар орттирдик. Лекин, ўша давр мафкураси миллий илдизимизни топиш, миллий руҳни камол топтиришга раҳна солиб келди. Институт фаолиятини икки йўналишда қайта қуришга тўғри келди: авваллари кино, телевидение режиссёрлари, операторлар марказда етиштириб келинган. Энди ундай мутахассисларни ўзимизда етиштириш талаб этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси институтимизнинг фаолият доирасини кенгайтириш бўйича махсус қарор қабул қилди. Ушбу қарорга биноан институт Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти деб аталадиган бўлди. Ҳозирда юқоридаги мутахассисликлар бўйича кадрлар ўзимизда етиштирилмоқда. Иккинчи йўналиш ўқув-тарбия жараёнини қайта қуришда кўринади: ўқув режа ва дастурлари миллий-бадиий анъаналаримиз ва замонавий илғор тажрибаларга монанд тарзда қайта ишланмоқда. «Ўзбек тили ва адабиёти», «Радио, телевидение режиссёрлиги ва кинооператорлик сингари янги кафедралар очилди. Дарсликлар яратиш ва эскиларини қайта ишлаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

**— Профессор-ўқитувчиларнинг моддий, маънавий ва ишлаш шароитларини яхшилаш бўйича ректорат қандай чора ва тадбирларни амалга оширмоқда?**

— Институтимиз, маълумки, ижодий илм маскани. Алоҳида ўқув театримиз бор, кичик саҳна, тегишли ёритгичлар билан жиҳозланган шинам устахоналарда дарс ўтилади. Ҳар йили ўнлаб диплом спектакллари чиқарилади, тасвирий санъат асарлари кўргазмалари ташкил этилади. Булар ижод учун шарт-шароитнинг муҳайёлиги самарасидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини жамоамиз зўр миннатдорчилик туйғуси билан кутиб олди. Бу миллий санъатимизнинг порлоқ тақдирини белгилашга қаратилган ҳаётбахш Фармон бўлиб, бизнинг зиммамизга истиқлол даврига муносиб мутахассисларни етиштиришда улкан вазифаларни юклайди. Жамоамиз бутун куч ва иқтидорини шу вазифаларни адо этишга йўналтиради.

Суҳбатни
Сотим ТУРСУНБОЕВ
олиб борди.







***СУРАТЛАРДА:** Тошкент Давлат санъат институти ҳаётидан лавҳалар: (чапда) институт актёрлик кафедраси мудири Баҳодир Назаров; (ўртада) институт ўқитувчиларидан бир гуруҳи; (ўнгда) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Арсен Исмоилов дарс пайтида.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Кичик корхоналар фаолиятидан*

## ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

— Кўпдан бери бирор кичик корхона очиш, халқимиз корига яраш ниятида эдим, — дейди Чилонзор туманидаги гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхона директори Рустам Ҳакимов. — Президентимизнинг хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-кувватлашга қаратилган Фармонлари бунинг учун ҳамма шарт-шароит, қулайликларни яратиб берди.

Ҳақиқатан ҳам ўтирган бўйра, юрган дарё экан. Нима бўлса ҳам кичик корхона очаман деб, ишга қаттиқ киришдим. Биридан маслаҳат, биридан йўл-йўриқ, деганларидай, ниҳоят корхонани очишга эришдик. Авваллари Чилонзор туманидаги кимёвий тозалаш корхонаси ёнига жойлашган бўш шишалар қабул қилувчи қаровсиз дўконни ижарага олиб, шу ерга режамиздаги гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш цехини қура бошладик.

**— Ҳозирги кунда бирор корхона очиш, уни ишга солиш осон эмас. Айниқса кичик корхона учун зарур технологик қурилмалар топишнинг ҳам ўзи бўлмас. Шундай эмасми?**

— Бўлмасам-чи, осон эмас. Қозоғистондан корхонамиз учун зарур техник воситаларни топсак-да, аммо уни сотиб олиш учун маблағ керак бўлди. Ҳали мунтазам гўшт, яъни хом ашё ва бошқа воситалар зарур, қолаверса, ишчиларга маош, дегандай. Хуллас, киримдан кўра, чиқим кўпайиб кетди. Имкониятларимизга ошиқча баҳо бериб юборган эканмиз. Бор ақчаларимиз урвоқ ҳам бўлмас экан. Шерик ёки ҳомий қидиришга тўғри келди.

Ташлаб кетайлик десак, ғурур йўл бермайди. Яратайлик десак, жуда катта маблағ талаб қилинар экан. Бахтимизга яхшиямки, дардимизни тушунадиган, биздан ёрдамини аямайдиганлар бор экан. Шаҳримиздаги нуфузли фирмалардан бўлган «Беш-Ёғоч» раҳбарияти, унинг бошлиғи Баҳодир Каримовга ўз таклифларимизни айтганимизда, бизни қўллаб-қувватлади. Тезда бизга зарур бўлган техник жиҳозлар ва бошқа харажатлар учун маблағ ўтказиб, гўшт ва зарур хом ашё етказишда ҳам катта ёрдам беришга ваъда берди. Фирма маъмурияти нимани ваъда қилган бўлса, сўзининг устидан чиқди. Раҳмат, уларга!

**— Бугунги кунда корхонангиз қандай фаолият олиб бормоқда? Умуман, қилинаётган ишлардан қониқиш борми?**

— Йўқ, ҳали ишимиздан қониқаётганимиз йўқ. Тўғри, цехимизда ишлаб чиқарилаётган колбаса, сосиска ва бошқа гўшт маҳсулотларини тайёрлашда қатъий қоидаларга риоя этилади. Рецепт бўйича ҳар бир масаллиқ нормаси бўйича солинади. Бундан кўнглимиз тўқ. Аммо бизни булар қониқтирмайди, маҳсулотларни аста-секин чет эл технологияси, рецепти бўйича тайёрлашга ҳаракат қилишимиз керак. Негаки, фуқароларимизнинг талаб ва эҳтиёжлари кундан-кунга ортиб бормоқда. Ҳозирча корхонада кунига 250-300 килограммлаб маҳсулот ишлаб чиқарилади. Колбасанинг уч турини, сосисканинг икки турини ҳамда яхна гўштлар тайёрлаб турамиз.

**— Гўшт ва шунга ўхшаш маҳсулот хом ашёлари асосан қаердан келтирилади?**

— Республикамиз вилоятларидан, жойлардаги деҳқон фермер хўжаликларидан гўшт маҳсулотлари олиб турамиз. Ҳар ҳолда музлатилган гўшт эмас, янги сўйилган мол, қўй гўштларидан тайёрлаймиз. Бошқа масалликлар: шакар, мурч, саримсоқпиёз ва бошқаларни ҳам шартномалар асосида келтирамиз. Бу борада «Беш-Ёғоч» фирмаси ҳам қараб турмайди, нимадан зарурат туғилса, дарров ёрдам беради. Айтмоқчи, корхонамиздаги ишчи ва хизматчиларга ҳам етарли шарт-шароитлар яратганмиз. Биласиз, ҳозирги кунда, бозор иқтисодиёти шароитида арзимас маош билан мутахассисларни ишга жалб қилиб бўлмайди. Бундан ташқари имтиёз ва ижтимоий муҳофаза ҳам муҳим. Ана шуларни ҳисобга олиб, уларнинг маошларини 1500—2000 сўм миқдорида белгилаш билан бирга бепул тушлик, йўл чипталари билан ҳам таъмин этганмиз.

**— Корхонада кимларни ҳақиқий тадбиркорлар дейиш мумкин?**

— Улар кўпчиликни ташкил этади. Фазлиддин Саидалиев, Аваз Мирсоатовларни алоҳида тилга олиш мумкин. Жамоамизда жами 13 киши ишлайди. Уларнинг кўпчилиги жонкуяр, тажрибали ишчи ва хизматчилардир.

**— Айтганча, маҳсулотларингизни қаердан харид қилиш мумкин?**

— Асосан ҳомийимиз бўлган «Беш-Ёғоч» фирмасининг «Беш-Ёғоч» майдонидаги, метронинг «Чилонзор» бекатидаги ҳамда Сергели туманидаги «Сирғали» марказий универмаг ёнида жойлашган махсус дўконларда маҳсулотларимиз бироз арзон баҳоларда сотилади. Бундан ташқари шартнома асосида яна бир неча озиқ-овқат дўконларига ҳам маҳсулотларимизни етказиб берамиз.

**— Келгусидаги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Эртамизни бугунимиз белгилайди. Қанча яхши ишласак яна шунча яхшироқ ва унумлироқ ишлашга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозирги асосий вазифамиз — харидорларга маҳсулотларимизни ўз вақтида ва сифатли қилиб етказиб бериш. Бора-бора эса, бу маҳсулотлар турини кўпайтиришимиз керак.

Латофат ЖЎРАЕВА.

*Жиноятчиликни жиловлаш йўлида*

## ТАЛОНЧИНИНГ ТАНОБИ ТОРТИЛДИ

«Измир» фирмасининг ходими С. Қулбек иш шундай бўлишини билганида пиёда юрмасдан бирон-бир транспорт воситасига чиқиб олган бўларди. Гап шундаки куппа-кундузи соат 11 ларда девсифат бир йигит Миробод туманидаги Болгар кўчасида унинг рўпарасидан чиқиб пул сўрайди. «Сенга берадиган сариқ чақам ҳам йўқ», деган сўзи учун номаълум киши икки зарба билан жавоб қайтаради. Зўр-зўр-да. Бирпасда С. Қулбекни ерга ағдариб чўнтагидаги икки ярим минг сўм пулини тортиб олиб, кўздан ғойиб бўлди. Бироқ талончи узоққа боролмади. Миробод тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари 4-қурилиш-таъмирлаш бошқармасида қоровул бўлиб ишловчи А. Асқарни қўлга олишди. Талончи ҳозир ички ишлар ходимларига терговда жавоб бермоқда. Жабрланувчига пуллари қайтарилди.

## ОМАД ЮЗ ЎГИРДИ

Жамоатчилик транспортидан фойдаланиш бошқа транспортларга нисбатан арзон бўлсада кўпчилик арзимаган уч сўм йўлкирани тўлашдан бош тортиб гоҳида ўзларини маломатга қўйиб юришади. Чиптасиз юрувчиларни «Сеними, шошмай тур» мультфильмидаги қуёнга ўхшатишади. Бир ойлик чипта олиб қўйганлар эса баъзи бир ҳайдовчиларнинг «иссиқ» қарашларини ҳисобга олмаганда жуда кўп нарсани ютишади.

Баъзи бир кимсалар ҳар хил қинғир йўллар билан транспортда бепул юришнинг антиқа усулларини топишибди. 6 ноябрь куни соат 12.00 да жиноят-қидирув бўлими ходимлари шаҳримиздаги «Парвоз» кичик корхонаси ишчиси Н. Анастасия «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг сохта гувоҳномаси орқали бепул юрганлигини аниқлашди. Бу аёл ана шу ташкилот гувоҳномасини қаердандир ўзлаштириб, гувоҳнома ичидаги сурат ва фамилияларни алмаштирганди. Қалбаки ҳужжат билан юрган бу кимсага нисбатан қонунларимизда белгиланган жазо чоралари кўрилади.

## АВТОУЛОВ МАРКАЗДА ТЎХТАТИЛДИ

6 ноябрь куни соат 17.00 да Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси навбатчилик қисмига 5 ноябрь куни тахминан соат 16.00 ларда метронинг Пушкин бекати олдида қаровсиз қолдириб кетилган «Москвич-412» русумли автомашинанинг олиб қочилганлиги тўғрисида хабар келади. Дарҳол барча постларга ушбу машинанинг давлат белгиси ва кўринишлари тўғрисида маълумот берилади. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўзгалар машинасида «сайр» қилишни кўнгли тусаб қолган ҳеч қаерда ишламайдиган С. Василий шаҳримиз марказида қўлга олинди.

## НОМУС ЎҒРИСИ

6 ноябрь куни номаълум кимса Юнусобод тумани, Шаҳристон кўчасидан ўтиб кетаётган Т. Иринага куч ишлатиб куппа-кундузи унинг номусига тегади. Инсоф, диёнат, қолаверса, оддий инсонийлик фазилатларидан йироқлашиб кетган бу кимсани ички ишлар ходимлари тез орада қўлга туширишди. У пойтахтимизга узоқ Наманган вилоятидан айлангани келган. Косонсой туманилик, ҳеч қаерда ишламайдиган С. Абдуваққос бўлиб чиқди. «Айлангани келиб» ўзини ҳам, қолаверса ўзгаларни ҳам уятга қўйган бу йигит қилган ишидан пушаймон бўлиб ўтирибди. Бироқ қонун барчага баробар бўлганидек у ҳам қилмишига яраша жазосини олади.

## ТРАМВАЙ ҲАМ ТЎҚНАШАДИМИ?

Минг афсуски, шунақаси ҳам бўлиб турар экан. Автомобилларнинг бир-бирига урилиши натижасида йилига қанчалаб кишилар ҳаётдан кўз юмишини биласиз. Трамвайлар бир темир издан юриб рельсдан чиқиб кетган ҳоллари, тўсатдан олдига чиқиб қолган автомобиль ёки кишиларни уриб, босиб кетганлигини ҳам эшитгансиз. Буни қарангки, трамвайнинг трамвай билан тўқнашиш ҳоллари ҳам учраб турар экан.

7 ноябрь куни Ўзбекистон кўчасининг Биология институти бекатида бирваракайига учта трамвай бекатга келиб тўхтайди. Аниқроғи, энг охирги келиб тўхтаган трамвай олдидаги трамвайни уриб юборади. Оқибатда биринчи турган трамвай ҳам ўз навбатида жойидан жилиб трамвай олдини кесиб ўтаётган йўловчини босиб ўтиб кетади. Йўловчи И. Б. касалхонада оламдан ўтди.

## ЎҒИРЛАНГАН КАМЗУЛЛАР СОТИЛМАДИ

Узоқ Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидан Тошкентга келиб ишлаб юрган М. Олимов тижоратчининг ўн дона чарм камзулини ўғирлаб ўз акасига сотиш учун берганди. Аммо ўғирлик моллари харидорга эмас, эгасига қайтариб бериладиган бўлди. Гап шундаки, камзулларнинг ўғирланганлиги ҳақидаги хабарни ички ишлар ходимлари текширувдан кейин аниқлашганди. Энди ўғирлик билан бойишни хаёл қилган йигитни қилмишига яраша жазо кутмоқда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.
Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

*Турли касб эгалари*

## УНИНГ ЮЛДУЗИ



...Эрталаб радионинг қулоғини бурайсиз. Дилбар мусиқа садолари пасайгач, ниҳоятда ширин ва дилбар бир овоз эшитилади:

— Ассалому алайкум, ҳурматли радиотингловчи дўстлар! Тонгингиз хайрли, кунингиз сермазмун бўлсин!

Ие, бу ширин овоз сизга жуда танишку! Ким бўлди экан унинг соҳибаси. Топдингиз, бу Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг хушовоз диктори Клара Халилова бўлади.

Бундан ўттиз-ўттиз беш йиллар муқаддам эшиттиришларда машҳур дикторлар—Ўзбекистон халқ артистлари Қодир Маҳсумов, Туйғуной Юнусхўжаеваларнинг овозини интиқлик билан эшитардик, кутардик. Кейин Қодир Тожиев, Инобат Юсупова, Клара Халиловаларнинг номлари ҳам қайд этила бошланди.

Дикторлик нима ўзи? Санъатми ёки матнни ифодали ўқишми? Келинг, азиз муштарий, дастлаб бир мактубни ўқиб кўрайлик.

**«Ассалоуму алайкум ҳурматли ва азиз Клара опа! ...Ушбу мактубни олибоқ роса ҳайрон бўлаётгандирсиз. Мен ҳам минглаб мухлисларингиз қатори бир мухлисингизман. Сизнинг радио орқали айтган ҳар бир сўзингизни жон қулоғим билан тинглайман. Мактабда ўқиб юрган вақтларимдаёқ сизнинг овозингизга тақлидан мактаб байрам дастурларини олиб борар эдим. Ҳозирда ҳам шу одатимни канда қилолмайман.**

**Клара опа, сиздек янглиғ етук сўз соҳибаси бўлмоғим учун нима қилмоғим керак? Қаерга мурожаат қилиб, ишни нимадан бошламоғим лозим?**

**Мактуб битувчи сурхондарёлик доимий мухлисингиз: Раъно».**

Ёш қизнинг қалбини шунчалар ром этган экан, демак дикторлик санъат экан-да! — Ўз касбининг ҳақиқий шайдоси бўлган Клара опа чинакам санъаткор экан-да?!

— Аслида ҳар бир касб санъат, — ҳикоя қилади Клара опа. — Тўғрироғи ҳар бир касбни санъат даражасига кўтарса бўлади. Бунинг учун шу касбни чин юракдан севиш, эъзозлаш керак! Кўплар мени санъаткорлар оиласидан деб ўйлайди. Асло ундай эмас. Онам Муборак Халилова уй бекаси эдилар. Отам Мирзакарим Халилов хизматчи бўлганлар. Опам Раъно, укам Илҳомжон, синглим Шоҳидаларнинг ҳам санъатга алоқаси йўқ. Турмуш ўртоғим раҳматли Собит Саидов санъаткор бўлганлар, холос.

Чиндан ҳам касбга муҳаббат, ихлос Клара опанинг ҳаётидаги энг содиқ йўлдошларидир. 1958 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тугатгач, у ўзининг эзгу мақсадига эришиб, дикторлик қила бошлади.

— Менинг бунчалар ўз касбининг фидойиси бўлиб етишишимда Туйғуной Юнусхўжаева, Қодир Маҳсумов, Баҳрихон Соатқуловаларнинг хизматлари катта бўлди, — миннатдорлик билан эслайди Клара опа. — Улар менга соатлаб ифодали ўқишни, урғуларни жой-жойига қўйишни, айниқса, матнга ниҳоятда эҳтиёт бўлиб ёндошишни ўргатишди.

Сўз сеҳргарларидан сабоқ олган Клара опанинг ўзи бугун устоз. Туҳфахон Аҳмедова, Муҳаммаджон Хўжаев, Аҳмаджон Мирзаев, Тоҳир Исмоилов, Муқаддам Жўраева, Абдулла Матназаровлар Клара опадан жуда миннатдордирлар.

Клара опа бир нарсани кўп гапиради:

— Овоз ҳам тангри берган саодатлардан бири. Уни иссиқ-совуқдан, назар-нафасдан эҳтиёт қилиш, халқ учун асраш керак.

Клара Халилова 37 йилдан бери дикторлик касбини улуғлаб келяпти. «Ўзбекфильм» киностудиясида 300 дан зиёд бадиий ва ҳужжатли фильмлар таржимасида овоз берди. «Олий тоифали диктор», «Аълочи диктор» нишонларига эга опанинг овози бугун ҳам юракларни тўлқинлантириб, радиодан янграмоқда. Айниқса, радиотингловчилар «Хатларингизни ўқиб», «Талабларингизга кўра» эшиттиришларини сабрсизлик билан кутишади. Чунки Клара опа шу эшиттиришлар соҳибаси-да!

Клара Халилова ҳақида ҳикоя қиляпмизу, назаримизда опага мактуб ёзган синглимиз Раъно Тўраевага ҳам жавоб ёзгандек бўляпмиз. Клара опа нимани топган бўлса касбига садоқатдан топди! Фидойиликдан топди. Устозлар ўгитига амал қилишидан топди. Касбга садоқат инсоннинг асл йўлчи юлдузидир.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.
***СУРАТДА:** Клара Халилова.*

